O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 4 ноябрь, № 228 (3503) Пайшанба


## «Ибрат-91»нинг ибрати

*Қоракўл туманидаги «Ибрат-91» фермер хўжалигининг раҳбари Тангир Шукуров бу йил гектар ҳисобига 45 центнердан дон, 40 центнердан пахта йиғиштириб олди. Бундан ташқари, фермер хўжалигида 600 бош қўй-эчки ва 40 бош говмиш ҳам боқилмоқда.*

*«Даромадга яраша буромад» деганларидек, қўлга киритилган фойда ҳисобига Тангир ака сутни қайта ишлаш корхонаси ва кичик ун заводи бунёд этган эди. Эндиликда эса у ҳамқишлоқлари учун чойхона қураётир.*



**СУРАТДА: фермер Тангир Шукуров.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

## САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

***САМАРҚАНД (ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ).***

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) президенти Тадао Чино Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди.

"Тошкент-Самарқанд-Тошкент" йўналиши бўйича қатнаётган тезюрар поезд мамлакатимизда Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилган қўшма лойиҳа самарасидир. ОТБ президенти Самарқандга ана шу поездда келди.

Меҳмон Имом ал-Бухорий мажмуини зиёрат қилди, СамДУ ҳузуридаги академик лицей ва Самарқанд Олимпия заҳиралари коллежини бориб кўрди. Шаҳарнинг қадимий обидаларини томоша қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Шу кунларда Осиё Тараққиёт банки президенти Тадао Чино расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати ва Осиё Тараққиёт банки умумий қиймати 164,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тўртта қўшма лойиҳани молиялаш тўғрисида кредит битимини имзолади.***

Булар — "Бошоқли экинлар унумдорлигини ошириш" (26,0 миллион доллар), "Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш" (73,2 миллион доллар), "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" (40,0 миллион доллар), "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш" (иккинчи босқич, 25,0 миллион доллар).

Шунингдек, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларда Осиё Тараққиёт банкининг ҳукумат кафолатларисиз иштирокини кўзда тутувчи Ўзаро англашув меморандуми ҳам имзоланди.

Меморандумга мувофиқ, Осиё Тараққиёт банки бошқа сармоядорлар билан биргаликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий Осиё жамғармасини ташкил этишга кўмаклашади.

Осиё Тараққиёт банки мамлакатимизда кенг кўламли тузилмавий ислоҳотларни амалга оширишга ёрдам беришда халқаро молия ташкилотлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

1996 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ҳамкорлик давомида Осиё Тараққиёт банки Ўзбекистонга транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, базавий ва ўрта махсус таълим, сув таъминоти, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, энергетика каби иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 16 лойиҳани амалга ошириш учун 810 миллион АҚШ доллари ҳамда умумий қиймати 34 миллион долларга тенг 58 та грант ажратди.

Осиё Тараққиёт банки 2004 йилнинг октябрида Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг 2005-2006 йилларга мўлжалланган янги дастурини тасдиқлади. Унга мувофиқ, аҳолини сув билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш борасида ҳар йили 150 миллион долларгача бўлган миқдордаги 9 та устувор лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусига Осиё Тараққиёт банки раҳбарияти юқори баҳо берди ва бу ташаббусни амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

**(ЎзА).**



Пахта-2004

### *Қашқадарё хирмони 460 минг тоннадан ошди*

**ҚАШҚАДАРЁ (ЎзА мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ).**

Вилоят деҳқонлари шартнома мажбуриятига қўшимча давлатга яна 50 минг тонна пахта сотди — ялпи хирмон 460 минг тоннадан ошди.

Етиштирилган ҳосилнинг 320 минг тоннаси фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Уларга амалий ёрдам кўрсатилиши билан бирга пахта тайёрлаш бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилиши алоҳида назоратга олинди. 11 минг фермер хўжалигидан 9,5 мингтаси бу соҳадаги шартномавий мажбуриятини уддалади. Косон, Нишон, Яккабоғ, Миришкор туманларидаги жамоаларнинг аксарияти шартнома мажбуриятига қўшимча пахта топшириб, катта даромад олди.

### *Пешқадамлар сафида*

Пахтаобод тумани пахтакорлари 8072 гектар ердан 23320 тонна саноат хомашёси йиғиштириб олиб, шартнома режасини бажардилар. Гектарлар самарадорлиги 28,8 центнерни ташкил этди. Эришилган ғалабага "Дўстлик", "Маданият", "Янги турмуш" ширкат хўжаликлари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

### *Нарпай толасига — «олтин медаль»*

Йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини аллақачон бажарган Нарпай тумани пахтакорларининг илк ҳосили қайта ишланиб, хорижлик ҳамкорларга ҳам етказиб берилди. Ва жамоа Женевада жойлашган "Ишбилармонлар ҳаракатида юқори сифат учун" халқаро жамғармасининг "олтин медали"га сазовор бўлди.

Бу ҳақда "Зирабулоқ пахтаси" ҳиссадорлик жамиятига хушхабар келди.

**А. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК РОБИТАСИ

*Нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада Ўзбекистон ва БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар алоҳида эътиборга лойиқ.*

**1946** йилда ўз фаолиятини бошлаган ЮНЕСКОга 185 мамлакат аъзо. У жаҳон халқлари ўртасида таълим, фан ва маданият, шунингдек, ахборот соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланади. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилган. Улар мазкур соҳаларни ривожлантириш учун масъул муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Мамлакатимиз 1993 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлиб кирган. 1996 йилда ташкилот бош қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида Ўзбекистоннинг ваколатхонаси иш бошлади. Ўтган ўн бир йил мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда.

1998 йили ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташкилотнинг олий мукофоти — Абу Али ибн Сино номидаги «олтин медаль» билан тақдирланди. Ташкилотнинг ўша вақтдаги Бош директори Федерико Майор мамлакатимиз раҳбари инсоний ғояларни тараннум этиш ҳамда маданий қадриятлар ва халқ меросини асраб-авайлаш йўлидаги улкан хизматлари учун шундай халқаро эътироф ва эҳтиромга сазовор бўлганини таъкидлади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президент Ислом Каримов раҳномолигида тарихий ёдгорликларимизни асраб-авайлаш, буюк аждодларимиз хотирасини тиклаш, меросини ўрганиш ва жаҳонга танитиш, халқимизнинг дунё цивилизациясидаги хизматларини ҳаққоний баҳолаш, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва маданиятимизни тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

### *4 ноябрь — ЮНЕСКО ташкил топган кун*

1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари, 1999 йилда "Алпомиш" халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, 2001 йилда "Авесто"нинг 2700 йиллиги, 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйлари нишонланиши ана шундай улуғвор ишларнинг бир қисмидир. Эътиборли томони шундаки, бундай тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди. 2005 йилда нишонланадиган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини ўтказиш тадбирларида ҳам бу ташкилот фаол иштирок этади.

БМТнинг "Минг йиллик саммити"да ташкилотнинг янги асрдаги фаолияти билан боғлиқ йирик дастур қабул қилинди. Унда ЮНЕСКО томонидан амалга оширилиши зарур вазифалар ҳам ўз аксини топган.

2003 йилда ташкилот томонидан "Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги" эълон қилинди. Бу борада мамлакатимизда ҳам қатор тадбирлар амалга оширилаётир.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси котиби Алишер Икромовнинг маълум қилишича, мамлакатимизда ушбу дастурда ўз ифодасини топган тадбирлар — аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Кўплаб ўзбек мутахассислари ЮНЕСКО ҳузуридаги Таълимни режалаштириш институтида малака ошириб қайтмоқда. Ташкилот қатор жамғарма ва ўқув юртлари билан ҳамкорликда юртимизда ахборот технологияларини ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этаётир. Шунингдек, Ўзбекистондаги ўттизга яқин мактаб, гимназия, лицей ва коллеж ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури доирасидаги тадбирларда иштирок этмоқда.

Ушбу дастур доирасида 2001 йили Ўзбекистонга ЮНЕСКОнинг "Тинчлик таянчи" мукофоти топширилган эди.

Ушбу халқаро ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб, қамров доираси кенгайиб бораяпти. Зеро, ЮНЕСКО ўтмиш билан келажак ўртасида ўзига хос бир робита вазифасини бажариб келаётир.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## *Қонунни билган адашмас*

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилларини амалиётга татбиқ қилиш ва бу борада қонун устуворлигини таъминлаш кўп жиҳатдан мулкдорларнинг қонун ҳужжатларини қанчалик билишларига боғлиқ.**

**Республика "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказилган семинар-тренинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги қонунларни ўрганиш масалаларига бағишланди.**

**Йиғилиш иштирокчилари маҳалла оқсоқоллари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамда уй-жой ширкатлари ходимлари ҳамкорликдаги фаолиятини асосий масала сифатида муҳокама қилишди.**

**"Туркистон-пресс".**

***Кейинги йилларда ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари томонидан ўтказиладиган жанглар барчанинг эътиборини тортмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.***

## Муҳаммадқодир издошларига океанортида ҳам тан беришди

### *Хушхабар*

АҚШнинг Аризона штатида ҳарбийлар ўртасида бўлиб ўтган 48-жаҳон чемпионатида ҳам боксчиларимиз ўзларининг нималарга қодир эканликларини яна бир бор исботлашди.

Жаҳон чемпионатида дунёнинг 21 мамлакатидан 100 нафардан ортиқ «чарм қўлқоп» усталари ғолиблик учун ўзаро баҳс юритдилар. Унда 11 боксчидан иборат терма жамоамиз ҳам иштирок этди. Мусобақанинг саралаш ўйинларини муваффақиятли ўтказган 9 нафар боксчимиз ярим финалгача етиб келишди. Финал баҳсларида Тўлашбой Дониёров, Дилшод Маҳмудов ва Шерзод Абдураҳмоновлар ўз вазн тоифаларида барча рақибларини енгиб, чемпионатнинг «олтин медал»ларини қўлга киритишди. Комрон Қосимов, Элшод Расулов ва Беҳзод Ҳидировлар ўз вазн тоифаларида «кумуш медал»ларга сазовор бўлишди. Улуғбек Бўрибоев, Азизбек Раҳмонов ва Жасур Матчоновлар «бронза медал»лари билан тақдирландилар.

Шундай қилиб, 48-жаҳон чемпионатида 3 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритган ўзбекистонлик боксчиларга океанортида ҳам тан беришди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

## *Илмий-амалий анжуман*

Куни кеча Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда университет ректори, академик С. Ғуломов ва бошқа мутахассисларнинг миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодиётнинг барча соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тажрибаси, уларнинг ҳозирги кундаги ривожланиш хусусиятлари ва муаммолари, халқаро тажрибаларга бағишланган маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Давлат мулки қўмитаси ва соҳага тегишли илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари иштирок этди.

**М. ТОЖИЕВА.**



## Саноатчилар ва тадбиркорлар форуми

Маълумки, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик ришталари ўрнатилган бўлиб, ҳозирда у ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да иш бошлаган Ўзбекистон ва Сибирь ўлкаси саноатчилари ва тадбиркорлари форуми ҳам бу эзгу анъананинг янада ривожланишида муҳим омил бўлади, деб айтиш мумкин.




Ўзбекистон Ташқи ишлар ва Иқтисодиёт вазирликлари, республика Савдо-саноат палатаси, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Россия Президентининг Сибирь Федераль ўлкасидаги ваколатли аппарати ҳамда Сибирь шартномасининг минтақавий ассоциацияси ушбу тадбир ташкилотчилари ҳисобланади.

Кўргазма залларига ўрнатилган стендларда Олтойдаги тегирмон машинасозлиги заводи, Новосибирскдаги ёғ комбинати, "Сибирь аграр холдинг","Барнаултрансмаш" каби 20 дан зиёд корхоналар фаолиятига оид маълумотлар акс этган. Шу ернинг ўзида томонлар турли келишув ва шартномаларни ҳам имзолашлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, республика Савдо-саноат палатаси томонидан форум давомида Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар, солиқ ва божхона тўловларини расмийлаштириш, шунингдек, юк ташиш, лицензиялаш ва сертификатлашдаги мавжуд тартиб-қоидалар хусусида истаган кишига бепул маълумот берилади.

Россиялик тадбиркорлар белгиланган дастурга кўра, пойтахтимиздан ташқари Андижон, Навоий шаҳарларидаги бир қатор корхоналарда ҳам бўлиши режалаштирилган. Бундан кўзланган мақсад эса келгусида истиқболли қўшма корхоналар ташкил этишдир.

Тадбир иштирокчиларининг маълум қилишича, россиялик ишбилармонларнинг мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнларига қизиқиши кучли. Улар келгусида бу соҳага салмоқли инвестиция киритиш ниятини билдиришмоқда.

**Сандолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

# 26 декабрь
## Халқ. Демократия. Сайловлар

# Ваъда эмас, иш зарур

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Юртимизда кечиши кутилаётган иқтисодий ўзгаришлар силсиласи, эркин фуқаролик жамияти барпо этилиши кўп жиҳатдан ана шу сайлов натижаларига боғлиқ.***

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод ва Сирдарё туманларида, қолаверса, Гулистон шаҳри ҳамда Боёвут туманининг айрим сайлов участкаларида ташкил этилган ишлар бугунги кун талабларига бирмунча жавоб беради. Афсуски, мана шундай қониқишни вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманларида учратиш мушкул.

— Очиғи, кўрган тайёргарлигимиз билан мақтана олмаймиз. Участкалардаги комиссия аъзоларининг бирортасини ҳам сизларга топиб беролмайман. Одамларимизнинг ҳаммаси пахта теримига жалб қилинган, — деди Ширин шаҳар молия бўлими мудири, шаҳар сайлов комиссияси раиси Ҳамроқул Мўминов.

Ҳақиқатан ҳам, сайлов участкаларида бирор кишини учратолмадик. Пахта — элники. Деҳқонларимизнинг пешона терлари эвазига етиштирилган ҳосилни кузнинг қорли, ёмғирли кунларига қолдирмай йиғиштириб олиш барчамизнинг бурчимиз. Ширинлик ҳашарчиларга балли! Улар шу кеча-кундузда Боёвут ва Ховос туманлари далаларида астойдил меҳнат қилишаяпти. Сафарбарликда иштирок этаётган уч минг нафар ширинлик ҳашарчилар уйган хирмон бугунги кунда етти минг тоннадан ошиб кетди. Мана буни ҳақиқий кўмак, деса бўлади.

### Сайлов тараддуддан бошланади

Пахтанинг иқтисодий аҳамияти зўрми ёки бўлажак сайловларнинг сиёсий аҳамияти устунми, деган саволни ўртага ташлаш ўринли эмас. Ҳар иккала тадбир бир-бирига халақит бермаслиги керак. Шаҳардаги сайлов участкаларига бир-икки нафар масъул ходимни ажратиш билан масалани тўла ҳал қилиш унчалик қийин юмуш эмас. Шаҳарда истиқомат қилувчи кўплаб кишилар участкаларга келмайди ёки айтайлик,улар ўзларини қизиқтирган саволлар билан умуман мурожаат қилмайди, дея ким ҳам кафолат бера олади? Сайлов тизимидаги ўзгаришлар, жумладан, Олий Мажлиснинг бу йилдан эътиборан юқори ва қуйи палаталардан иборат бўлиши, депутатликка қандай фуқаролар сайланиши, сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари минглаб одамларни қизиқтириши ва ана шу саволларга улар сайлов участкаларидан жавоб топиши барчага аён-ку!

Шаҳар таркибига кирувчи Нуробод қишлоғидаги мактаб ҳудудига жойлашган 48-сайлов участкасида тараддуд бошқача. Сайловчилар бу ерда Президент асарлари, ўнлаб сиёсий нашрлар, сайловга оид қатор рисолалар билан танишишлари, матбуотда чоп этилган мақолаларни ўқишлари мумкин. Бироқ... айрим мулоҳазалар бўлмаганда, бу участкадаги ишларни оғиз тўлдириб мақтаса бўларди. Маълумки, зиёли халқи шаҳарда яшайдими, қишлоқда яшайдими, улар маърифат тарқатувчи инсонлар ҳисобланишади. Одамлар одатда ана шу инсонлар ортидан эргашади.

— Маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар асосан қишлоқ маҳаллаларида ўтказилади. Шу сабабли маҳаллий Кенгашларга сайлов, деб аталади, — деди мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳло Бердиқулова.

Унинг бу жавобидан ҳамроҳларимиз юзида табассум пайдо бўлди. Яна шу қишлоқда яшовчи Моҳинисо Абдураимова ва Гулнора Жумановаларнинг сайлов ҳақидаги тасаввурлари бизни хижолатга тортди.

— Олий Мажлисга бўладиган сайловлар Тошкентда ўтказилади. Маҳаллий Кенгашга бўладиган сайловлар эса қишлоқ жойларда бўлиб ўтади, — дейишди улар.

Бўлажак сайловлар ҳақида баъзилар мана шундай чалкаш ва саёз тасаввурда эканлиги ажабланарли ҳол. Тарғибот-ташвиқот йўқ масканда, тушунтириш ишлари суст кетаётган жойда мана шундай ачинарли ҳоллар юзага келиши, табиий. Шаҳар ҳокимлиги нашри бўлган «Ширин садоси» газетасида чоп этилган шингил мақолани ҳисобга олмаганда, шаҳар сайлов комиссияси ҳали бирор-бир ташкилий ишга қўл урмаган. Сайловга тараддуд ҳақида маълумот бериш учун бир варақ оқ қоғоз тополмаган сайлов комиссиясининг раиси Ҳамроқул Мўминов бизга ҳали ишлар юришиб кетишини, унгача вақт кўплигини тушунтириб бермоқчи бўлди.

Шаҳардаги қатор сайлов участкалари эшиклари тақа-тақ ёпиқ бўлган, ўзи ишлаб турган энергетика коллежидаги кабинетда эса бўш папкалардан бошқа ҳеч вақо бўлмаган бир шароитда Ҳамроқул Мўминовнинг бундай ваъдаларига ишониб бўлармикин? Тўғри, яхши от кейин чопади, деган нақл бор. Аммо зўр отга, учқур отга ишониб қамчини қўйинга яшириш наҳотки ўринли юмуш бўлса! Зеро, вақт ҳам ғайратли, ташаббускор одамларгагина хизмат қилади.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ЖИЗЗАХ (ЎзА мухбири Тошқул БЕКНАЗАРОВ).*
***Вилоят маънавият ва маърифат марказида ёш сайловчилар иштирокида “Давра суҳбати” бўлиб ўтди. Уни вилоят сайлов комиссияси матбуот маркази “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах филиали билан ҳамкорликда ташкил этди.***

### ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Марказий сайлов комиссияси аъзоси Б.Норхўжаев, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах филиали директори Р.Ҳидоятов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловлар, фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари тўғрисида сўзладилар.

Маълумотларга кўра, вилоятдаги 499700 сайловчининг 32604 нафарини биринчи марта овоз берадиган ёшлар ташкил қилади. Конституциямизда белгилаб қўйилган ўзининг сайлаш ҳуқуқини илк бор амалга оширадиган бу ёшларнинг сайлов жараёнларига қизиқиши кучли экани “Давра суҳбати” давомида ҳам яққол сезилди. Очиқ мунозара ва савол-жавоб тарзида ўтган мулоқотда Жиззах политехника институти талабаси А.Ёқубов, Жиззах транспорт ва алоқа коллежи ўқувчиси Э.Турғунов ва бошқа навқирон сайловчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашдилар.

### Муносабат

***Мен яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашиш, Президентимизнинг маърузасини юзма-юз туриб тинглаш бахтига мушарраф бўлдим. Юртбошимиз вилоят қишлоқ хўжалиги аҳволини чуқур, асосли таҳлил қилиб берди, айниқса, фермерлик ҳаракати ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳақида ачиниб гапирдики, бу ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.***

# Лизинг — фермербоп усул



Ҳақиқатан ҳам, «фермерлик» дейилади-ю, аслида айрим ҳокимлар тил учида кўрсатма берадилар, ширкат раҳбарлари эса жон-жаҳди билан ерни бермаслик ҳаракатида бўладилар. Наҳотки, Юртбошимиз айтганларидек, улар «меҳнатни рағбатлантириш бўйича эски ёндашув ва қарашлардан воз кечиш» вақти келганлигини англамаган бўлсалар?

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида кредит олишнинг лизинг усули ҳақида гапирдилар. Бу усулнинг қулайлиги аллақачон исботланган. Аммо техника билан таъминлаш бўйича давлатимиз томонидан яратилган имкониятдан тўлиқ фойдаланмаслик оқибатида кейинги икки йил ичида вилоят бўйича 85 та техника олинганини қандай изоҳлаш мумкин? Агар вилоятда деҳқончилик билан шуғулланаётган 8 мингдан зиёд фермер борлиги ҳисобга олинса, ҳар 100 та фермердан биттасигина бу қулай имтиёздан фойдаланганини аён бўлади-қўяди.

Лизингнинг нақадар афзаллигини бизнинг хўжалигимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Бундан тўрт йил аввал Сирдарё соҳилларига яқин 122 гектар захкаш ерда фермер хўжалиги ташкил қилган эдик. Ҳар йили шартнома режаларини ошириб бажараяпмиз. Бу йил ҳам юзимиз ёруғ бўлди. Ютуғимизнинг омилларидан бири — техника ўзимизники, бу масалада бировнинг олдига сарғайиб бормаймиз. Аниқроғи, лизинг йўли билан «ТТЗ-80» ва «ТТЗ-100» тракторлари сотиб олганмиз. Бу йил эса қарзлардан тўлиқ қутуламиз. Шунда ўша мулк оиламизники, фарзандларимизники бўлиб қолади.

Кўриниб турибдики, ҳамма гап фермерларга, Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан уларнинг оқилона фойдаланишларида қолган. Шундай қилинса, ҳосил ҳам, даромад ҳам кўпаяверади.

**Одилжон ПИРМАТОВ,**
**Даңғара туманидаги «Жавоҳир» фермер хўжалиги раҳбари.**



Ғазалкент шаҳридаги “Каст” Ўзбекистон- Италия қўшма корхонасининг фойдаланишга топширилганига унча кўп бўлгани йўқ. Бу ерда хорижнинг замонавий, жаҳон андозалари талабларига мос мармарга ишлов берадиган дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, айни пайтда тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Жамоада йилига 120 минг квадрат метр мармарга ишлов бериш режалаштирилган бўлиб, ҳозир эса у ойига 5 минг квадрат метрни ташкил қиляпти. Тайёрланаётган мармарлар ўзининг ранг-баранглиги ва сифатлилиги билан харидорларнинг эътиборини тортмоқда.

**СУРАТДА: оператор Йўлчи Кўнисбоев замонавий дастгоҳда мармарга ишлов бермоқда.**

**Эркин БОТИРОВ олган сурат.**

### Иссиқхоналар ривожланади

**Бухорода вилоят иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди, дея хабар беради “Туркистон-пресс” мухбири. Соҳа мутахассислари, қишлоқ хўжалик корхоналари вакиллари ҳамда Халқаро Винрок институти (АҚШ) мутахассислари иштирок этган ушбу анжуманда ирригация ускуналари ва иссиқхона учун замонавий технологиялар намойиш этилди.**

**Семинар якунида вилоят иссиқхона хўжаликлари уюшмасини таъсис этишга, бошқа давлатлардаги шундай тизимлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга келишиб олдилар.**

### Қоратепанинг улкан ўйингоҳи

**Асакада болалар спортини ривожлантиришга, маҳалла ва қишлоқларда спорт иншоотлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Яқинда туманнинг Қоратепа қишлоғида 15 минг томошабинни ўз бағрига оладиган спорт ўйингоҳи қурилди. Қулайликлари, имкониятига кўра ҳар қандай мусобақаларни ўтказиш мумкин бўлган ушбу мажмуа асосан ҳашар йўли билан бунёд этилди.**

**Ўз мухбиримиз.**

***Шўрчи шаҳридаги “Людмила-Муниса” хусусий фирмаси антиқа иш қилди: гул дўконини очди.***

### «Людмила»нинг гул дўкони



Фирманинг раҳбари Людмила Сатторова аввалига иккиланди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, темир-терсак дўконлари сероб замонда одамлар гул дўконига кирармикан? Чиннигулу юз турдан зиёд атиргулларни ўстириб, қилган меҳнатим зое кетмасмикан, деган истиҳола бор эди унда.

Йўқ. Одамлар олдинига дўконни шунчаки томоша қилишга кирдилар. Сўнг... Инсон кўнглининг нозик бир жиҳати бор. Гулга, гўзалликка шайдо бўлади. Шайдо кўнгил, сиз минг йилдан кам яшамайсиз, деган гапга тўлиқ ишониб яшайверади.

Людмила опанинг гул дўконида ишлар юришиб кетгани ҳам шундандир.

—Расталаримиз қишда ҳам яшнаб туради, —дейди Л. Сатторова. —Энди аквариум савдосини ташкил этамиз.Бу ишимиз —элимизнинг, хонадонимизнинг, кўнгилларимизнинг ободлиги.

**О. УСАНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

### Хивада Сўзана маркази

Ўзбекистонда фаолият юритаётган Британия Кенгаши ва Operation Mercy ташкилотининг ташаббуси билан Хива шаҳрида сўзана тикиш маркази очилди. Бундан асосий мақсад анъанавий матоларнинг дизайнини замонавийлаштириш ва аёлларни иш билан таъминлашдир. Марказда, Хивадаги мадраса биносида қарийб йигирма нафар аёл сўзана тикиш сирларини ўрганмоқда.



Япония ва Буюк Британия давлатларида марказ маҳсулотларининг илк намуналари намойиши ўтказилиши режалаштирилмоқда.

— Хивадаги Сўзана тикиш маркази миллий ҳунармандчиликнинг ривожига катта ҳисса қўшади, деб умид қиламан, —дейди Британия Кенгаши директори жаноб Невил Макбейн.

Марказда кашталар табиий бўёқ билан бўялган шойи матоларга тикилади ва марказнинг рамзи бўлмиш анор рамзи туширилади. Ушбу ғоядан замонавий кийимлар ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

### Тажриба ва ташаббус

***Қорасувда Олимжон ака Раҳимовни танимайдиган, унинг ишига ҳавас қилмайдиган одам йўқ, десак, муболаға бўлмайди. Узоқ йиллар пайпоқ тўқиш корхонасини бошқарган бу киши замона зайлига қараб иш тутди: фабрика ҳудудининг бўш турган қисмида мол-қўй боқишга киришди. Қишлоқ четидаги тошлоқ майдонда ўрдакхона ташкил қилди, инкубатор ускунасини олиб келди.***

# Жўжаларни санаш пайти

— Паррандачилик етти хазинанинг бири, деган гап бежиз айтилмаган, — дейди у. — Илгари қишлоқда яшайдиган одамнинг ҳовлиси четида пастаккина товуқхонаси бўларди ва кун ора дўпписини тўлдириб тухум оларди. Нонушта, баъзида кечки овқати тухумсиз бўлмасди. Баъзида бозорга чопмай битта хўрознинг баҳридан ўтарди ва гўшт ўзидан чиқарди.

Андижон вилояти ҳокимлиги соҳадаги аҳволни атрофлича ўрганиб чиққач, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси паррандачилик бўйича махсус дастур тайёрлади. Унга кўра, ширкат хўжаликларида салкам 327 минг бош парранда парваришлаш режалаштирилди. Қўрғонтепа, Олтинкўл, Улуғнор, Булоқбоши туманлари хўжаликларида эски товуқхоналарни тиклаш, паррандалар сонини кўпайтириш, соҳага малакали, тажрибали мутахассисларни жалб қилиш, инкубаториялар ишини йўлга қўйиш борасида дадил қадамлар ташланди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳам, аста-секинлик билан бўлсада, ўз ечимини топмоқда.

Биз Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалигида бўлдик. Ғаллачилик, пахтачиликда йил сайин юқори натижаларга эришаётган бу жамоа аъзолари чорвачиликда ҳам бой тажриба тўплашган. Молхонасида 500 бош қорамол, 400 бош қўй бор. Хўжалик сут, гўшт етиштиришдан даромад кўряпти. Раис Юсуфжон ака Сотволдиевнинг айтишича, йил охирига бориб, одамлар товуқ гўшти, тухум излаб шаҳарга қатнамайдилар.

Хўш, бу ишга қандай эришиш мумкин? Бу ҳақда раиснинг фикри қуйидагича:

— Бўш турган чорва биноларидан бирини парранда боқишга мослаштирдик. Тажрибали мутахассис Алишер Эргашев билан маслаҳатлашиб, уч юз бош товуқ келтирдик. Озуқа базасини мустаҳкамлагач, паррандалар бош сонини минггага етказдик. Алишернинг ёнига Абдуғаффор Нишонов, Аҳрор Парпиевлар қўшилишди ва 58 гектар ерга беда экишди. Беда парранда учун энг хушхўр, витаминга бой озуқа ҳисобланади. Товуқлар парвариши яхшилангач, тухумга кирди. Кунига 150-200 донада тухум оляпмиз. Ҳозирча уларни хўжалик эҳтиёжи учун ишлатаяпмиз. Ҳадемай бу кўрсаткич 400-500га етади.

— Қайта тикланаётган соҳа ўзини ўзи қоплаши, паррандачилик фермаси ички хўжалик ҳисобига ўтказилиши керак, — дейди Алишер Эргашев. — Қанча кўп маҳсулот етиштирилса, ишчилар учун манфаатдорлик ҳам шунча юқори бўлади. Ўзимиз жўжа очириб, паррандалар сонини кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Бунинг фойдаси катта, аввало, насл яхшиланади. Қолаверса, эҳтиёждан ортган жўжани сотамиз.

Суҳбатга «Ёрқишлоқ« қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мутталибжон Маҳмудов қўшилди:

— Олтита маҳалламиз бор. Аҳоли 15 минг нафарга яқинлашиб қолди. Уларнинг 137 нафари — тадбиркор. Ишсизлар ҳам бор. Уларнинг бошини бир ерга қовуштириб, ишсизлик муаммосини ҳал этяпмиз. Бу масалага хонадонларда чорвачилик ҳамда паррандачиликни йўлга қўйиш билан ечим топмоқчимиз. Қишлоғимизда Олмос Хўжанов деган тиниб-тинчимас йигит яшайди. У ҳовлисида курка парваришлаш ниятида 5-6 та парранда келтирди. Жўжалар кузга бориб тухумга киради. Бир ярим-икки килодан тош босадиган бўлади. Олмос куркалардан фойда олиш йўлларини излади. Ҳозир ҳовлисида 20-30 бош парранда бор. Сотса рўзғорига, сўйса қозонига барака киради. Олмоснинг иши қўни-қўшнилари ва маҳалладошларини қизиқтирди. Кўпчилик курка боқиб, кўпайтирмоқчи. Бошқалар товуқ парваришлаш ниятида.



Шу тумандаги «Ойим» ширкат хўжалигида шу ҳудуддан ўтган зовурларга салкам 500 бош ўрдак ташланди.

— Эрталаб ва кечқурун емиш берсангиз кифоя, қолган пайтда сувдан озиқланади, — дейди мутахассислар. — Уч ойга қолмай етилади. Бу билганга кони фойда.

Жалолқудуқликлар соҳадаги янгиланишни ана шундай бошладилар. Хўжаликлардан ташқари аҳоли ҳам ҳаракатга келди. Бири курка, бири товуқ, яна бири ўрдак ва ғозни кўпайтириш ниятида. Тухум ҳар бир хонадоннинг ўзидан чиқадиган бўлади. Ҳамма гап бошланган хайрли ишларни охирига етказишда ва ҳафсалада!

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Газетада босилмади аммо...

### Ижро назоратга олинди

Ғиждувон тумани, «Халқобод» ширкат хўжалиги, Қорабоғ қишлоғида истиқомат қилувчи Х.Мажидов бу ердаги мавжуд мактабнинг спорт зали, қишлоқ врачлик пунктининг қурилиши, йўл таъмирланиши ва ичимлик суви таъминотидаги муаммолар тўғрисида таҳририятга шикоят хати йўллаган эди. Мазкур мактуб юзасидан куни кеча Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Н.ҲАМДАМОВ имзоси билан расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

*“Хатда кўрсатилган масалалар алоқадор мутахассислар билан биргаликда жойида ўрганилди. Вилоятда болалар спорти объектлари қурилиши жамғарма маблағлари ҳамда ҳомийлар ёрдамида олиб борилмоқда. Жумладан, «Халқобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги 33-мактабнинг спорт зали ширкат хўжалиги ҳисобидан қурилмоқда. Ҳозирги кунда унинг том қисмидаги қурилиш ишлари хўжалик ҳисоб рақамига маблағ ажратилиши билан ниҳоясига етказилади.*

*Қишлоқ аҳолисига тиббий хизматни яхшилаш мақсадида ширкат хўжалиги ҳисобидан замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, сентябрь ойида фойдаланишга топширилди.*

*Йўлларни таъмирлаш ишларини жорий йил охиригача тугатиш белгиланди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида ҳам қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Белгиланган ишларнинг ижроси туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди”.*

